

УДК 338.4

Тагаев Б.Э.

ЎзМУ и.ф.д., доц.

1btagaev@gmail.com**Абдуллаева Х.Н.****"O'ZLITINEFTEGAZ" АЖ**boboqulova.xilola@gmail.com

ИНТЕЛЕКТУАЛ КАПИТАЛАДАН ФОЙДАЛАНИШ КОРХОНА РИВОЖЛАНИШИНГ АСОСИДИР

Аннотация. Мақолада интелектуал капиталидан фойдаланиш корхона ривожига ҳисса қўйшиш масалалари кўриб чиқилади. Олимларнинг инсон капитали назарий ёндашувлари ва интелектуал капитали таърифи ёндашувлари кўриб чиқилган. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик тизимида интелектуал капиталдан фойдаланиш самарадорлиги масалалар таҳлил қилинган. Илм-фан ва инновация ўртасидаги ҳамкорликдаги салоҳиятни амалга оширишда тўскинлик қиласиган қатор камчиликлар ҳам кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: Инсон капитали, интелектуал капитал, тизимли капитал, тармоқ, салоҳият, инвестиция, самарадорлик, меҳнат унумдорлиги.

Кириш

Бизга маълумки жаҳонда инсон капитали иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири ҳисобланади. Инсоннинг энг катта бойлиги ва бошқа мавжудотлардан фарқи бу унинг онгидир. У эса инсоннинг интелектини шакиллантирувчисидир. Замонавий жамиятда шахс шунчаки "иқтисодий субъект" эмас, бу унинг саноат иқтисодиётидаги иқтисодий функцияси сифатида тушунилади, менимча жамиятнинг ҳал қилувчи ишлаб чиқарувчи омили сифатида кўп қиррали шахсадир. Шу боис замонавий шароитда нафақат илгари тўплланган илмий билимларни идрок етиш, балки янги илғор ахборот технологиялари, хизматлар ва маҳсулотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва яратишга қодир бўлган олий маълумотли шахснинг роли сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида катта эътибор инсон капиталига инвестициялар ажратилишига қаратилмоқда. "Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юритигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Фан ривожланмаган жойда регрессия кузатилади, жамиятнинг барча соҳаларда қолоқлик кузатилади»¹.

Инсон капитали иш жараёнда таълим ва тажриба тўплайди. Ходимнинг иқтисодий қиймати тор малака билан эмас, балки умумий билим, мураккаб муаммоларни самарали ҳал қилиш қобилияти билан белгиланади, бу эса ходимга ўзгарувчан иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт шароитларига тезда мослашишга имкон беради. Кўп қиррали билимли шахс тез ўзгарувчан шароитларга тезроқ мослашади. Бозор талабидан келиб чиқиб, тезда бошқа мутахассисликка қайта тайёрлайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Инсон капиталининг асосий жиҳати бу унинг интелектуал фаолиятидир. Инсонларнинг интелектуал фаолияти алоҳида корхоналар ва тармоқларнинг, шунингдек, бутун ҳалқ хўжалигининг асосий самарали фаолиятидир. Хорижий мамлакат олимлари ушбу атамага катта ургу беришни бошлашди, ҳамда инсон

¹ Ш.М.Мирзиёев. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису. 24.01.2020 <https://president.uz/ru/lists/view/3324>

капиталининг янги шакли деб қарашни бошлашди. Инсон капиталининг умумий назарий ва услубий жиҳатларини қуидаги олимлар ўз асарларида ёритиб ўтганлар ва улар Амарти Сен Е. Денисон, Т. Шулц, Г. Беккер, Маҳбуб ал-Хақа, Ж. Минтзер, Bowen, Stewart T.A ,Е. Долан, Ж. Линдси, Симкина Л.Г., К. Гриффин, Ployhart ва Moliterno, М. Алле, Т. Сакая¹ ва бошқалар инсон капиталини ривожлантиришни назарий ва концептуал асосларни яратдилар.

Ўзбекистон олимлари хам миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда инсон капиталига катта эътибор беришади. Улардан Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Исломов, Б.Х.Умурзоков, Н.К.Зокирой, Н.Х.Рахимова, З.Я. Худайбердиев² ва бошқалар.

Интеллектуал капитал атамасига Э.Брукинг, Л. Эдванссон, М. Мэлоун, К.Тейлор, Т.Стюарт, Б.Б. Леонтив³ ва бошқалар.

Адабиётлар таҳлили натижасида инсон капиталига олимлар ўз қарашларини қуидагича билдирганларини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал. Инсон капиталининг моҳияти.

Йил	Манбаа	Таъриф
1964	Г. Беккер	Инсон капитали - бу билимлар, маълумотлар, ғоялар, кўнимкалар ва инсон саломатлиги. У инсон меҳнати жараёнини белгилайди ер билан бирга асосий ишлаб чиқариш омили ҳисобланади ва капитал ⁴
1978	Bowen	Инсон капиталини олинган билим, кўникма, инсон эга бўлган энергия ва мотиватсия. Бу хусусиятлар давомида хизматлар ва товарлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин маълум вақт даври ⁵
1998	Stewart T.A	Интеллектуал капитал контекстида инсон капитали, истеъдод, малака, қобилият ва ғояларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. энг кўп қимматли - муносабатларни идрок этиш, яратиш ва ривожлантириш ⁶
2000	Симкина Л.Г.	Инсон капиталини ишлаб чиқариш шакли сифатида белгилайди икки компонентга асосланади - тўғридан-тўғри меҳнат ва интеллектуал фаолият. Бу қисмлар вазифасини бажариши мумкин турли шахсларнинг ташкилий ва иқтисодий шакллари, ёки қандай бир хил

¹ Sen A.Idea of Justice.Cambridge. MA: Harvard University Press. 2009. Schultz T.W. Investing in People: The Economics of Population Quality. Berkeley, Calif.: University of California Press, 1981. p. 149-166. Becker G.S. Human Capital: a Theoretical and Empirical Analysis. – N.Y.: Columbia Univ. Press, 1964. Сакая Т. Стоимость, создаваемая знаниями, или История будущего / Т. Сакая // Новая индустриальная волна на Западе: Антология /под редю В.Л. Иноземцеваю Мю: Academia, 1999. – с. 337-371

² Абдурахманов К.Х. Экономика труда: Теория и практика: Учебник: Москва: ФГБОУ ВО «РЭУ имени Г.В. Плеханова», 2019. с. 661. Abdurakhmanov K.H. Zokirova N.K., Islamov B., Hiwatari M. (2016) Systemic transformation and sustainable human development: the Case of Uzbekistan. Jakarta: Gunadarma Publisher, 2016, p. 230. Умурзаков Б.Х. Теоретические и практические аспекты развития сферы малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан. Монография. – Т.: «Iqtisodiyot». 2011. Худойбердиев З.Я. ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув кўлланма. «ILMZIYO» 2016

³ Брукинг Э. «Интеллектуальный капитал: ключ к успеху в новом тысячелетии». Пер. с англ.; под. ред. Л. Н. Ковалик. – СПб.: Питер, 2001. – 288 б.

Лейф Эдванссон, Майкл Мэлоун. Интеллектуальный капитал. Определение истинной стоимости компаний Стюарт Т. Интеллектуальный капитал. Новый источник богатства организаций / пер. с англ.М., 2007. – 368 б
Леонтьев Б.Б. Цена интеллекта. Интеллектуальный капитал в российском бизнесе. М.: Акционер, 2002

⁴ Becker G.S. Human Capital: A Theoretical And Empirical Analysis. - New York: Colombia University Press, 1964

⁵ Bowen H., Investment in Learning, San Francisco, 1978

⁶ Stewart T.A. Capital Intelectual: a nova vantagem competitiva das empresas. - Rio de Janeiro:Campus, 1998.

		шахснинг функциялари; улар бир-бирига кирадилар айирбошлиш муносабатлари ¹
2011	Ployhart ва Moliterno	Инсон капиталини билим, қўникма, қобилият ва яхшилаш учун ишлатилиши мумкин бўлган бошқа хусусиятлар ишлаш. Бундан ташқари, инсон капитали қуидагиларга бўлинади когнитив (билим, қўникма, қобилият ва тажриба) ва когнитив бўлмаган (шахсият, қадриятлар ва манфаатлар) ²
	Abdurakhmanov K.	инсон капитали – бу иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият ва оиласи ривожлантириш, меҳнат ресурсларининг билимли қисми, интеллектуал ва бошқарув меҳнати, яшаш ва иш жойи муҳитидир. Улар инсон капиталини ривожлантиришнинг ишлаб чиқариш омили сифатида самарали ва оқилона амал қилишини таъминлаши керак ³

Тадқиқотнинг методологик асоси. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган “Ўзбекнефтегаз” АЖ фаолиятининг иқтисодий ижтимоий таҳлили, гурӯхлаштириш таққослаш, танланма кузатув усуслари асосида мантиқий фикрлаш орқали хуносалар қилинган.

Таҳлил ва натижалар. Инсон капитали - бу одамлар ҳаёти давомида тўплаган билимлари, қўникмалари ва соғлиғи, бу уларга жамиятнинг фойдали аъзолари сифатида ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришга имкон беради. Яхшиланган овқатланиш, соғлиқни сақлаш, сифатли таълим, иш ўринларини яратиш ва малакаларини ошириш орқали одамларга сармоя киритиш инсон капиталининг ривожланишига ҳисса қўшади, бу ўта қашшоқликни тўхтатиш ва ижтимоий жиҳатдан бирлашган жамиятларни барпо этиш учун жуда муҳимдир.

Илгари инсон (интеллектуал) капитали деганда фақат инсоннинг меҳнат қобилиягини оширадиган - касбий қўникмаларни шакллантиришга инвестициялар йиғиндиси тушунилган. Хозирги кунга келиб инсон капитали бу – иқтисодий ривожланишнинг омили, жамият ва оиласарнинг ривожланиши, шу жумладан ишчи кучининг шакилланган қисми, билим, меҳнатни бошқариша интиллектуал воситаси, иш фаолияти ва шароити, ривожланишнинг самарали омили сифатида унинг самарали ва оқилона ишлашини таъми нлашдан иборатдир. Замонавий шароитда иқтисодиёт ва жамиятни интеллектуаллаштиришнинг жадал ривожланаётган йўналишига нафақат баҳо беришга, балки ўз ғояларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳам эришган.

Инсон интеллектуал капитал - бу одамларда таълим, малака, касбий билим ва тажриба кўринишидаги капиталдир.

Корхонанинг интеллектуал капитали - бу қўшимча қиймат яратиш ва корхонага бозорда рақобатдош устунликларни таъминлашга қодир бўлган ва ишлаб чиқариш омили бўлган ходимларнинг малакаси, тажрибаси, мотивацияси, билимлари, технологиялари ва алоқа каналлари ҳисобланади.

Интеллектуал капитал ва моддий капитал ўртасидаги белгиловчи фарқ унинг номоддий табиатидир. Бундан ташқари, интеллектуал капитал келажакка қаратилган бўлса, моддий капитал эса ўтмишда амалга оширилган ҳаракатлар натижасидир.

¹ Симкина Л.Г. Человеческий капитал в инновационной экономике. / диссертация. - Санкт-Петербург, 2000. – 349 с.


² Ployhart R.E., Moliterno T.P. Emergence of the human capital resource: a multilevel model // Academy of Management Review. – 2011. – № 1. – р. 127-150

³ Абдураҳмонов К.Қ. «Меҳнат иқтисодиёти» назария ва амалиёт, Тошкент-2019 йил, 233 бет

Швециянинг «Скандия» сугурта-молия компаниясида ўтказилган тадқиқотлар бундай омилларнинг иккита гурухини аниқлади¹:

✓ *Инсон капитали*. Компания ходимларининг жорий вазифаларни амалга оширишда кўлланиладиган билимлари, амалий кўнимларни ва ижодий қобилиятлари йифинди. Унинг бошқа таркибий қисмлари - компаниянинг маънавий қадриятлари, иш маданияти ва бизнесга умумий ёндашув. Инсон капитали компаниянинг мулки бўла олмайди.

✓ *Тизимли капитал*. Ушбу туркумга аппарат, дастурий таъминот, ташкилий тузилма, патентлар, савдо белгилари ва компания ходимларига ўзларининг ишлаб чиқариш салоҳиятига эришиш имконини берадиган барча нарсалар киради, бошқача айтганда, ходимлар уйга олиб кетолмайдиган капитал.



Расм-1 интеллектуал капиталнинг келиб чиқиши²

Тизимли капитал компания ва унинг асосий мижозлари ўртасида шаклланган муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Инсон капиталидан фарқли ўлароқ, таркибий капитал компаниянинг мулки ва шунинг учун сотиш обьекти бўлиши мумкин. Асосий интеллектуал капитал инсоннинг когнитив фаолияти натижасида олинган билимдир. Капиталлаштириш жараёни учун бу билим тўғридан-тўғри ёки билвосита фойда келтириши керак.

Жаҳон ахборот жамиятининг Окинава хартиясининг саккизта йирик давлати раҳбарлари нисбатан янги “ахборот жамияти” атамасини қабул қилдилар, унда ишлаб чиқаришнинг асосий маҳсулоти ахборот ва билим ҳисобланади деб қараладиган бўлинди.

Давлатдан таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги яқин ҳамкорлик тизимида бошқарув тизимини яратиш ва интеллектуал капиталдан фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, яъни ўсишни таъминлайдиган ташкилий, конунчилик, таркибий ва функционал компонентлар мажмуини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу масалада ишлаб чиқаришни модернизация қилишга катта аҳамият берилади (2-расм). Бу масалалар давлат иқтисодий сиёсатида устувор аҳамият касб этаётганидан кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётнинг барча етакчи тармоқлари корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жихозлашга доир меъёрий-хуқукий хужжатлар ва дастурларнинг қабул қилингани ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Хўш интеллектуал капиталдан фойдаланган ҳолда таҳлиллар қилиш қандай фойда беради ҳамда қайси мезонлар орқали баҳолаш тўғри бўлар эди?

Биринчидан, бу бажарилиш кетма-кетлиги. Агар анъанавий таҳлилнинг мантиқий схемаси ўрганиш обьектини таркибий қисмларга ажратишни, муаммоларни аниқлашни ва натижада баҳолаш учун уларнинг синтезини назарда тутади, интеллектуал капиталдан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш қўйидаги қоидаларга мувофиқ тузилади. Қарама-қарши схема, яъни биринчи босқичда обьектнинг умумий ҳолати баҳоланади ва шундан кейингина унинг таркибий қисмлари кўриб чиқилади.


¹ http://iir-mp.narod.ru/books/inozemcev/page_1429.html

² ЛЕЙФ ЭДВИНСОН, МАЙКЛ МЭЛОУН. ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЙ КАПИТАЛ. “ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИСТИННОЙ СТОИМОСТИ КОМПАНИИ” HTTP://IIR-MP.NAROD.RU/BOOKS/INOZEMCEV/PAGE_1429.HTML

Иккинчидан, интеллектуал капиталдан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёни ютуқлар параметрларини уч ўлчовда баҳолашни назарда тутади:

- ✓ якуний натижа балл;
- ✓ шахсий интеллектуал капиталдан фойдаланишни ва умуман интеллектуал капитални ривожлантиришни баҳолаш;
- ✓ таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик тизимида интеллектуал капиталдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.


Учинчидан, тармоқ олий таълим соҳасида фан, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг соҳа талаб қиласиган устувор йўналишлари доирасида таълим дастурларини амалга ошириш учун грант маблағларни жамлашни таъминлаш (ёки жорий қилиш) ходимларга грант маблағларини ажратиш (тадқиқотчилар учун) зарур. Илм фан ривожланишнинг янги муҳим йўналишлари бўйича, шунингдек, илмий тадқиқот ишлари натижаларини патентларни рўйхатдан ўтказиши.



2-расм. Интеллектуал капитални шакллантириш ва ундан фойдаланиши¹

Ўзбекистон нефт-газ саноатида инновацион фаолият самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар қўлланилган илмий-техникавий чора-тадбирлар сони, уларни амалга оширишга сарфланган харажатлар, олинган иқтисодий самара, илмий ва илмий-техник воситалардан фойдаланган ҳолда қўшимча ишлаб чиқариш ҳажми ҳисобланади. Ушбу тармоқнинг интеллектуал капитали қанчалик юқори бўлиши корхонанинг меҳнат унумдорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Давлат стратегик аҳмиятига эга бўлган корхонанинг меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлиши, давлат бюджетига ҳам келиб тушадиган даромаднинг ўсиш динамикасига таъсир кўрсатишини биламиз. Ушбу тушумлар солиқлар кўринишида давлат бюджетига даромад бўлади. Демак ҳар икки тарафдан корхона самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ошишидан манфаатдор эканлиги маълумдир. Ушбу тармоққа йилдан йилга инвестициялар кўпроқ жалб этилиши устида кўплаб ишлар олиб бориляпти. Киритилаётган инвестицияларнинг кўп қисми эса, айнан илм фан талаб этувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган жараёнларга йўналтирилмоқда.

¹ Изланишлар натижасида муаллиф томонидан тузилди




3-расм. Инновацион харажатлар манбалари¹

Ўзбекистонда нефт-газ саноатини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи углеводород хом ашёсини илғор қайта ишлаш бўйича янги қувватларнинг ишга туширилиши ва маҳсулот сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш билан тавсифланади. Бу эса ўз навбатида таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик тизимида интеллектуал капиталдан фойдаланишга катта эҳтиёж бор эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Инновацияга бўлган талаб кучайгани сари, инвестицияга ҳам таклиф кўпаяди.

Нефт ва газ тармоғи таҳлил натижаларига асосан инновацион тадбирлар ҳамда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жорий этишда харажатлар манбаалари кесимида кўрилди (3-расм).

2021 йил якуни сарф ҳисоблари бўйича хорижий инвесторлар ўз маблағларининг 28,5 фоизигача технологик инновацияларга, жумладан, 66,8 фоизини машина ва асбоб-ускуналар сотиб олишга сарфладилар. Технологик инновацияларга йўналтирилган хорижий сармояларнинг 30% дан ортиғи дастурий таъминотни сотиб олишга йўналтирилган. Тижорат банклари асосан машина ва ускуналар (58%) ва янги технологиялар (33%) сотиб олишга молиялаштирилганини 2021 йил якунлари таҳлиларидан билишимиз мумкин. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик тизимида интеллектуал капиталдан фойдаланиш (4 -расмда кўрсатиб ўтилган) албатта ижобий натижажа келтиргани билан, молиялаштириш ва унга инвестиция киритиш талабларини қўйгани каби, илм соҳасидаги баъзи натижаларни қисқа муддатларда эмас балки узоқ муддатларда олиш мумкинлигини ҳам этиб ўтиш жоиздир. Аммо, бу корхонанинг ушбу ҳамкорликка йўналтирадиган харажатлари самараисиз бўлади дегани эмас, балки корхонанинг бизнес режаси асосида йиллар давомида бозорда рақобатбардошлик иммунитетини мувозантда ушлаб туришга, ҳамда ушбу тармоқнинг йирик корхонаси бўлмиш “Ўзбекнефтгаз” АЖ жаҳон бозоридаги IPO (Initial Public Offering) га чиқиш имконини берадиган маҳсулотлар яратилишига ҳисса қўшиш имкониятини беради.

¹ <https://www.ung.uz/> асосида муаллиф томонидан тузилди



4- расм. Нефт ва газ тармоғида интеллектуал капиталидан фойдаланиш самарадорлиги¹

¹ Изланишлар натижасида муаллиф томонидан тузилди. *Ушбу схема нафақат нефт ва газ тармоғида балки бошқа тармоқларга ҳам мос равшда шакиллантирса мақсадга мувофиқ.

Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлиги тизимида “Ўзбекнефтгаз” АЖ интеллектуал капиталидан фойдаланиш самарадорлигини тармоқнинг 2022 йиллардаги якуний натижалари ҳам кўрсатади (4-расм).

Корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг умумий хажмига нисбатан қарийб 60 фоизи илм-фан талаб этувчи маҳсулотлар ташкил этиши изланишларимиз натижасида маълум бўлди. Бундай кўрсаткич илм-фан ва инновация ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ижобий натижавийлигини таъминлаши исботидир. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик тизимида интеллектуал капиталдан фойдаланиш натижасида кўплаб янгиликлар, потентлар олиш имкониятини бергани каби ушбу патентлардан фойдаланиш ҳам бир қанча нокулайликлар ва камчиликлар мавжуд эканлигини тадқиқотларимиз натижасида билиб олдик ва улар қўйидагилар:

- ✓ Ҳозиргача инноваторларни тадбиркорликка, тадбиркорларни инновацияларни ишлаб чиқаришга фаол жорий этишга ундейдиган бундай ишбилармонлик муҳити шаклланмаган. Сабаблар орасида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги бевосита алоқанинг заифлашиши, ўтиш даври туфайли юзага келган ва рағбатлантириш тизимининг етарли даражада йўқлиги ва мавжуд турли тўсиқлар, хусусан, бизнес билан боғлиқ бўлганлар ҳам бор.

- ✓ Ҳар хил турдаги рухсатномаларни олиш инновациялар учун асосий тўсиқлар ҳисобланади: барча турдаги рухсатномалар, лицензиялар, сертификатлар ва стандартларни олишнинг мураккаб тартиблари ҳам ички, ҳам ташқи бозорга мўлжалланган янги маҳсулотларни жорий этишда асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Таққослаш учун: Ривожланаётган мамлакатларда тадбиркорлар янги маҳсулотни чиқаришда лицензия олишга ўртacha 230 кун вақт сарфлайдилар (Ўзбекистонда 280-290 кун)¹.

- ✓ “Ўстандарт” томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари бутунги кунда чекланган миқдордаги давлатлар томонидан тан олинади ва экспорт қилишда ишлаб чиқарувчилар импорт қилувчи давлатда қайта сертификатлашлари керак. Очиги, бундай “икки томонлама сертификатлаш” экспортчиларнинг транзакция харажатларини оширади ва ўзбек товарларининг рақобатбардошлигини пасайтиради. Шу боис, экспортга жўнатилган товарларга мувофиқлик сертификатларини олиш бўйича мажбурий талабни олиб ташлаш билан бирга тартибни соддалаштириш масаласини ҳам кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, миллий корхоналарнинг халқаро миқёсга чиқишига кўмаклашиш, шунингдек, инвеститсияларни жалб қилиш мақсадида стандартларни ўзаро тан олиш бўйича халқаро шартномалар тузиш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур.

Илм-фанга қанчалик эътибор кўрсатилса, шунчалик инновация ҳам ривожланади ҳамда корхона бозордаги рақобатбардошлика чидамлилик кўрсаткичини ошириб, хааражатларни оптимизация қилишда ёрдам беради.


Нефт ва газ саноатини ривожлантиришда илм-фан ва инновация ўртасидаги ҳамкорликни таъминлайдиган инсон капиталининг илмий салоҳияти ҳам етакчи ўринларги эгаллайди ҳамда корхонанинг илмий салоҳияти динамикаси 5-расмда келтирилган. Динамикани кузатар эканмиз гўёки корхонада 2019 йилдан бошлаб пасайиш кузатилган, деган фикр пайдо бўлади, аслида корхонада ундей ҳолат кузатилмаган, бунга сабаб нефт ва газ саноати ходимлар ва уларнинг салоҳияти бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йил ва 2019 йилда ходимлар сони қарийб 3 баробарга қисқарганини кўришимиз мумкин, бунга сабаб Ўзбекистон республикаси президентининг 9- июл 2019 йилдаги ПҚ-4388-сонли қарорига биноан, «Ўзбекнефтгаз» АЖ таркибидан икки йирик корхона яъни «Нудудгазтаъминот» АЖ ҳамда «Узтрансгаз» АЖ ажralиб чиқишидадир². Кейинги йилларда ходимлар сони камайишига сабаб эса, корхона таркибига кирувчи корхоналарда

¹ Л. В. Алимова «Роль и значение патентного дела в коммерциализации результатов научно-технической деятельности».

² <https://lex.uz/docs/4410278>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 09.07.2019 йилдаги ПҚ-4388-сон

оптимизация, инновацияларни кўллаш борасида баъзи фаолият турлари автоматлаширилди.



Расм- 5 “Ўзбекнефтегаз” АЖ ходимларининг таълим даражаси динамикаси (умумий сондан, одам).¹


Ушбу соҳада банд бўлган таълим даражаси салоҳиятини таҳлиларимиз шуни кўрсатадики 2013 йил олий маълумотли қатламга киравчи ходимлар корхона умумий сонига нисбатан 21,3 фоизни, ўрта ва маҳсус таълим қатламига киравчи ходимлар сони корхона умумий сонига нисбатан 39,1 фоизни ташкил қилган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар 2022 йилда олий маълумотли қатламга киравчи ходимлар корхона умумий сонига нисбатан 37,6 фоизни, ўрта ва маҳсус таълим (таркибида мактаб аттестацияси билан ишловчи ходимлар сони хам хисобга олинган) қатламига киравчи ходимлар сони корхона умумий сонига нисбатан 62,4 фоизни ташкил этди. Корхонада ўртacha 50 фоиз ходимлар 30 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар хисобланади.

Хозирги ўзгарувчан ва мураккаб конюктурали бозор иқтисодиёти шароитида корхона ҳар қандай вазиятларга тайёр туриши ва ҳамма ресурсларидан оқилона фойдаланиши энг долзарб масалага айланди. Технология ва инвестиция корхонага барқарорликни таъминлаб берган бўлса, ҳозирда эса бу етарли эмаслигини амалда ўз исботини топди.

Корхонанинг барқарор ривожланишида асосий 3 та омил мавжуд:

- Инсон ресурслари;
- Инвестиция;
- Технология.

¹ Изланишлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.



6-расм. “Ўзбекнефтегаз”АЖ бўйича фойда ва сотиш ҳажмининг ўзгариш динамикаси (млрд сўм)¹

“Ўзбекнефтегаз”АЖ томонидан интеллектуал капиталдан фойдаланиш маҳсулот сотиш ҳажмини 3 йил ичida ўзгаришлар бўлганини сабабини юкорида келтириб ўтган икки ийрик корхонанинг тизимдан чиқиб кетиши сабаб бўлган бўлса, 2022 йил якуни ҳолатига кўра аввалги ўсиш динамикасини тиклаб олганини кўришимиз мумкин, бу эса келгусида фойдани эса ошириш имконини берди (6-расм). Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик тизимида интеллектуал капиталдан фойдаланиш натижасида корхонанинг йиллик сотилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларининг ўсишига, корхона меҳнат унумдорлиги ўсиш динамикасига ижобий таъсир кўрсатиши, давлат бюджетига даромаднинг ошишига (солиқлар кўринишида), рақобатбардош товарларнинг яраталиши, корхонада мавжуд ва келгусида дуч келиши мумкин бўлган муаммоларнинг ўрганилиши ва уларга мос келувчи таклифлар, ечимлар берилиши, жаҳон бозорига чиқишига йўл очилиши, инвестициялар оқимини кўпайтириш учун корхона инвестицион жозибадорликни оширишига ва яна кўплаб ижобий натижаларга олиб келиши мумкинлигини тадқиқотларимиз натижасида аниқладик. Хозирги вақтда ихтиёрий мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши илм фанга келиб тақалгани туфайли корхона интеллектуал капиталига катта эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса ва тақлифлар

Келгусида Ҳукумат қарори билан “Ўзбекнефтегаз”АЖни таркибига кирувчи ва илм-фан талаб этувчи маҳсулотларни яратувчи корхоналари бошқа мамлакатлар бозорларига чиқиши имкониятига эга инжиниринг компаниялари тоифасига киритиш кўзда тутилган. Бунинг учун ноу-хау элементлари бўлган технологияларни яратишига қодир бўлган ўз илмий кадрларини тайёрлаш керак бўлади. Шу муносабат билан қўйидаги йўналишлар бўйича Компания раҳбариятининг қўйидаги концептуал қарорлари талаб қилинади:

- иқтисодиётнинг нефт-газ секторини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларнинг “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш;
- юқори малакали мутахассислар алмашинуви хавфини минималлаштириш. Бу келгусида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича энг мувозанатли ва асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлайди.

¹ Изнанишлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.

Илм-фан ва инновация ўртасидаги ҳамкорликдаги салоҳиятни амалга оширишда тўсқинлик қиласиган қатор камчиликлар мавжуд ва улар қуидагилар (ушбу тўсиқлар иқтисодиётнинг барча тармоқларида мавжуд):

✓ Ҳозиргача инноваторларни тадбиркорликка, тадбиркорларни инновацияларни ишлаб чиқаришга фаол жорий этишга ундейдиган бундай ишбилиармонлик муҳити шаклланмаган. Сабаблар орасида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги бевосита алоқанинг заифлашиши, ўтиш даври туфайли юзага келган ва рағбатлантириш тизимининг етарли даражада йўқлиги ва мавжуд турли тўсиқлар, хусусан, бизнес билан боғлиқ бўлганлар ҳам бор.

✓ Ҳар хил турдаги рухсатномаларни олиш инновациялар учун асосий тўсиқлар ҳисобланади: барча турдаги рухсатномалар, лицензиялар, сертификатлар ва стандартларни олишнинг мураккаб тартиблари ҳам ички, ҳам ташки бозорга мўлжалланган янги маҳсулотларни жорий этишда асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Таққослаш учун: Ривожланаётган мамлакатларда тадбиркорлар янги маҳсулотни чиқаришда лицензия олишга ўртacha 230 кун вақт сарфлайдилар (Ўзбекистонда 280-290 кун)¹.

✓ “Ўстандарт” томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари бугунги кунда чекланган миқдордаги давлатлар томонидан тан олинади ва экспорт қилишда ишлаб чиқарувчилар импорт қилувчи давлатда қайта сертификатлашлари керак. Очиги, бундай “икки томонлама сертификатлаш” экспортчиларнинг транзакция харажатларини оширади ва ўзбек товарларининг рақобатбардошлигини пасайтиради. Шу боис, экспортга жўнатилган товарларга мувофиқлик сертификатларини олиш бўйича мажбурий талабни олиб ташлаш билан бирга тартибни соддалаштириш масаласини ҳам кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, миллий корхоналарнинг ҳалқаро миёсга чиқишига кўмаклашиш, шунингдек, инвеститсияларни жалб қилиш мақсадида стандартларни ўзаро тан олиш бўйича ҳалқаро шартномалар тузиш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёев. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису. 24.01.2020 <https://president.uz/ru/lists/view/3324> .
2. Sen A.Idea of Justice.Cambridge. MA: Harvard University Press. 2009.
3. Schultz T.W. Investing in People: The Economics of Population Quality. Berkeley, Calif.: University of California Press, 1981. p. 149-166 б.
4. Becker G.S. Human Capital: a Theoretical and Empirical Analysis. – N.Y.: Columbia Univ. Press, 1964.
5. Сакайя Т. Стоимость, создаваемая знаниями, или История будущего / Т. Сакайя // Новая индустриальная волна на Западе: Антология /под редю В.Л. Иноземцеваю Мю: Academia, 1999. – с. 337-371
6. Абдурахманов К.Х. Экономика труда: Теория и практика: Учебник: Москва: ФГБОУ ВО «РЭУ имени Г.В. Плеханова», 2019. с. 661.
7. Abdurakhmanov K.H. Zokirova N.K., Islamov B., Hiwatari M. (2016) Systemic transformation and sustainable human development: the Case of Uzbekistan. Jakarta: Gunadarma Publisher, 2016, p.
8. Умурзаков Б.Х. Теоретические и практические аспекты развития сферы малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан. Монография. – Т.: «Iqtisodiyot». 2011.
9. Худойбердиев З.Я. ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. «ILMZIYO» 2016.
10. Брукинг Э. «Интеллектуальный капитал: ключ к успеху в новом тысячелетии». Пер. с англ.; под. ред. Л. Н. Ковалик. – СПб.: Питер, 2001. – 288 б.

¹ Л. В. Алимова «Роль и значение патентного дела в коммерциализации результатов научно-технической деятельности».

11. Лейф Эдвинссон, Майкл Мэлоун. Интеллектуальный капитал. “Определение истинной стоимости компании” http://iir-mp.narod.ru/books/inozemcev/page_1429.html.
12. Стюарт Т. Интеллектуальный капитал. Новый источник богатства организаций / пер. с англ.М., 2007. – 368 б.
13. Леонтьев Б.Б. Цена интеллекта. Интеллектуальный капитал в российском бизнесе. М.: Акционер, 2002.
14. Becker G.S. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis. - New York: Colombia University Press, 1964.
15. Bowen H., Investment in Learning, San Francisco, 1978.
16. Stewart T.A. Capital Intellectual: a nova vantagem competitiva das empresas. - Rio de Janeiro: Campus, 1998.
17. Симкина Л.Г. Человеческий капитал в инновационной экономике. / диссертация. - Санкт-Петербург, 2000. – 349 с.
18. Ployhart R.E., Moliterno T.P. Emergence of the human capital resource: a multilevel model // Academy of Management Review. – 2011. – № 1. – p. 127-150 б.
19. . Абдураҳмонов К.Қ. «Мехнат иқтисодиёти» назария ва амалиёт, Тошкент-2019 йил, 233 бет.